

## Аллоҳ учун мусулмон бўлдим

13:05 / 10.04.2018 3124

Абу Маъбад Миқдод ибн Асвад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Айтинг-чи, агар бирор кофирлардан бўлган бир кимсага йўлиқиб, у билан уришсам ва у қиличи билан қўлимнинг бирига уриб кесиб ташласа, кейин қочиб дарахтга яшириниб, «Аллоҳ учун мусулмон бўлдим», деса, уни ана шуни айтганидан кейин ўлдиришга ҳақлиманми, эй Аллоҳнинг расули?» десам, У зот: «Ўлдирмагин», дедилар. Шунда мен: «Эй Расулуллоҳ, бир қўлимни кесиб, кейин мусулмон бўлдим, деб айтган-ку», десам, У зот: «Ўлдирмагин, чунки агар ўлдирадиган бўлсанг, у ўлдирилишидан олдинги сенинг мавқеъингда бўлади. Ва сен бу сўзни (яъни, Исломга кирдим, деб айтганидан) олдинги мавқеъда бўласан», дедилар».

Муттафақун алайҳ.